## Дараклар

### КХДРнинг ЯДРО ҚУРОЛИ БОР



**(ВВС).** Шимолий Корея ҳукумат радиоси мамлакат ҳақиқатан ҳам ядро қуролига эга экани ҳақида илк расмий шарҳни эълон қилди.

Баёнотда АҚШнинг Шимолий Кореяга нисбатан сиёсати кескин танқид қилинар экан, "Американинг ўсиб бораётган ҳарбий хавфи"га қарши "қудратли ҳарбий жавоб чоралари, жумладан, ядровий қурол" ишлаб чиқарилгани қайд этилади.

Радиошарҳда Корея ҳукумати "тинчликпарварлик таклифлари"ни ҳам баён қилган бўлиб, яриморол муаммосини ҳал этишнинг ягона тўғри йўли сифатида АҚШ билан "Ҳужум қилмаслик тўғрисидаги пакт"ни имзолаш таклиф этилган.

### ЖСТ АЪЗОЛИГИ ҚИРҒИЗИСТОНГА НИМА БЕРДИ?

**("Моя столица", Вячеслав Тимирбаев).** 1998 йил 14 октябр куни Қирғизистон МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб ва собиқ иттифоқ мамлакатларидан иккинчи бўлиб Жаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлди.

Ўша даврда бу катта сиёсий ғалаба сифатида баҳоланган эди. Ушбу ҳолни шарҳлар экан, Қирғизистон ҳукумати қошидаги ЖСТга кириш масалалари бўйича идоралараро қўмита раиси Э. Омуралиев бу воқеа Қирғизистон ўз қўшинлари олдида рақобат қилишда устунликка эга бўлади, деб таъкидлаган эди. Орадан тўрт йил ўтди. Бу даврда Қирғизистон ўз устунлигидан фойдалана олдими?

Рақамларга мурожаат қиламиз. ЖСТга киргунга қадар, Қирғизистоннинг ташқи савдо айланмаси 1996 йил — 1343.1, 1997 — 1313.1, 1998 — 1355.1 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди.

Ташкилотга аъзо бўлгандан сўнг, ушбу кўрсаткич 1999 йил — 1053.5, 2000 — 1059.1 ва 2001 — 934.4 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Натижаларнинг ёмонлашиб бораётганлиги яққол намоён бўлиб турибди.

### РЕЖАНИНГ ТЎРТДАН БИРИ

**(Туркменистан.Ру).** Ноябр ойининг дастлабки кунларигача Туркманистонда 500



минг тонна пахта хом ашёси йиғиштириб олинган. Бу белгиланган ҳукумат топшириғининг тўртдан бирини ташкил этади.

Сентябр ва октябр ойларида Туркманистонда бир томчи ҳам ёмғир ёғмади. Бу пахтакорларга бу йилги обҳавонинг ёмон келиши билан алоқадор йўқотишлардан сақланиш имкониятини берди.

Шунга қарамасдан, ноябр ойида ёққан ёмғирлар пахта терими учун ажратилган вақт ниҳоясига етаётганидан далолат беради.

### АФҒОНИСТОН: ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАР ЎЛИМИ

**(EurasiaNet).** Янги тадқиқот узоқ вақтдан бери тах-



мин қилинаётган нарсани тасдиқлади: Афғон аёллари орасида туғаётган вақтда ўлиш сони дунёда энг каттадир.

Ўртача ҳар 100 минг афғон аёлидан 1600 нафари кўзи ёрийдиган вақтда вафот этмоқда. Бу дунёдаги маълум кўрсаткичларнинг энг ёмонидир. Бу АҚШдаги кўрсаткичдан 130 маротаба ёмон деганидир.

Ушбу даҳшатли рақамлар ЮНИСЕФ, АҚШ Касалликка қарши кураш ва унинг олдини олиш маркази ва Афғонистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тайёрланган маълумотномада чоп этилган. Бу Афғонистонда шу турда олиб борилган энг йирик тадқиқотдир.

### СУДЬЯЛАР АССОЦИАЦИЯСИ ДАЪВАТИ

**(ЦентрАН).** Лаос, Шарқий Тимор, Бутан, Малайзия ва Камбоджани ўз ичига олувчи Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари судьялари Ассоциацияси Тожикистонни аёллар ҳуқуқларини ҳимоялаш пактига аъзо бўлишга даъват этди. Бу ташкилот илгари Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик қилмас эди.

Тожикистон эътиборига йўлланган таклифнинг сабаби шундаки, шу пайтгача ҳали ҳеч бир ташкилот республикада аёллар ҳуқуқларини ҳимоя ?илиш масаласига аралашмаган.

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари судьялари ассоциацияси фикрига кўра эса, мамлакатда аёллар ҳуқуқлари доимий равишда бузилмоқда.

## Суҳбат

# УМИДИМ ВА ОРЗУИМ



## *Ўзбекистонни кучли демократик давлатлар қаторида кўриш, — дейди доктор Назиф Шаҳроний*

*АҚШнинг Марказий Осиё, Яқин Шарқ мамлакатлари, хусусан, Афғонистон масалалари бўйича йирик олимлари орасида америкалик этник ўзбек, бобурийлар авлодига мансуб Назиф Шаҳроний жуда катта салоҳиятли ва ҳурматли олимлардан ҳисобланади. Ўзбекларга хос камтарлиги, инсонийлиги ва меҳмондўстлиги илк учрашувдаёқ зоҳир бўлган жаноб Шаҳроний ҳар бир сўзни чертиб-чертиб, адабий тилнинг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда сўзлашидан унинг нақадар билимдон ва зукколиги билиниб турарди. Қизиқарли суҳбатимиз унинг ишхонасида ўтди. Мен аввалига ўзимни адабиёт музейи филиалида ўтиргандай ҳис этдим. У ерда нафис муйқалам усталарининг буюк Мир Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва бошқа аждодларимиз сиймоси туширилган суратлар, турли тилларда чоп этилган ноёб асарлар коллекцияси, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси шаҳарларидан келтирилган турли расм, китоб ва бошқа экспонатлар мавжуд эди.*

*Бир пиёла кўк чой устидаги суҳбатимиз анчагача давом этди.*

**— Назиф Шаҳроний жаноблари, аждодларингиз Фарғона водийсидан деб эшитгандим...**

— Ота-боболаримизнинг гапларига қараганда, бизлар асли Шаҳрихон деган жойдан эканмиз. Аждодларимиз Заҳириддин Бобурга қариндош бўлгани учун унинг яқин одамларига қўшилиб, маълум сабабларга кўра Ватанни тарк этишга мажбур бўлганлар. Олти оға-ини Афғонистоннинг Файзиобод томонларида қўним топиб, кичик бир қишлоқ яратишади. Унга Ватанни доимо эслатиб турувчи "Шаҳрон", яъни "Шаҳрихон" маъносини англатувчи ном беришади.

Бугунги кунда у жуда катта қишлоққа айланиб кетди. Умуман, вилоят маркази Файзиобод атрофида бугунги кунда 13 та катта қишлоқ бўлса, уларнинг 11 тасида асосан ўзбеклар истиқомат қилишади. Бундан ташқари, Дараи арғун деган масканнинг аксарият қисмида ўзбек тилида сўзлашувчи қавмлар бор. Ўзим бугунги кунда АҚШнинг Индиана университети Яқин Шарқ тиллари ва маданияти Департаментининг директори ҳамда Марказий Осиё ва Яқин Шарқ бўлими профессори лавозимида фаолият юритяпман. Рафиқам билан уч ўғилни тарбия қилаяпмиз.

— **Илмга қизиқишингизга нима туртки бўлган? Орзуларингизни амалга ошира олдингизми?**

— Қишлоқдаги бошланғич мактабни битирганимдан сўнг мени 5-6 нафар ҳамқишлоқларим билан ўқишни давом эттириш учун Кобулдаги махсус мактабга кўчирдилар. Ўша пайтларда ҳамма йирик ўрта мактаблар фақат Кобулда жойлашган эди.

Орзуим тезроқ махсус мактабни битириб, она қишлоғимга қайтиб муаллимлик қилиш эди. Лекин 12-синфда мен олган билимларнинг камлиги ва ўқишни яна давом эттириш зарурлигини англадим. Келажакда албатта илмли инсон бўлиб етишишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим.

Ўша йили Кобул университетига ўқишга кирдим. Икки йилдан сўнг АҚШдан Кобул университетининг бешта талабаси учун 1967 йилдан бошлаб Америкада ўқишга имкон борлиги тўғрисида хабар тарқалди. Бу имконнинг бири менга насиб этиб, ўқишимни Ҳавоя штатидаги университетда давом эттирдим. Бакалаврликни эгаллаб, Вашингтон штати Сиэтль шаҳридаги Вашингтон университетида магистрлик ва 1972 йили фан номзоди илмий даражасини олиб, Афғонистонга қайтдим. Икки йилдан сўнг АҚШнинг машҳур Ҳарвард университетида илмий ишларни давом эттириб, 1976 йили докторлик диссертациясини ёқладим.

— **Илмий ишларингиз орасида Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон тўғрисида ҳам тадқиқотлар борми?**

— Менинг илк илмий ишларим худди шу ҳудуд билан боғлиқ бўлган. 1972 йили америкадан қайтгач, мен афғон қирғизлари тўғрисида антропологик тадқиқотлар олиб бордим. Мен Бадахшон вилоятидан Хитой билан чегарадош тоғли манзилларда улар билан 21 ой яшаб ижод қилдим.

Ўзбекистон билан боғлиқ 3-4 катта илмий мақолаларим ҳам чоп этилган. Улар орасида Бухоронинг охирги амири Саид Олимхоннинг Афғонистондаги ҳаёти билан боғлиқ йирик мақолаларим бор. Бундан ташқари, илмий изланишлар билан Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг 1992 йилнинг бошида мен Тошкентда бўлдим. Иккинчи сафарим эса 1996 йилга тўғри келди. Ўшанда 6-7 ой давомида Ўзбекистонда исломнинг ўрни, ўзбек оилалари, урф-одатлар ва уларга "қизил империя" мафкурасининг салбий таъсирларини тадқиқ қилдим.

— **Ушбу тадқиқотлар хулосалари нималардан иборат?**

— Илмий тадқиқотларни Тошкент шаҳрида, Фарғона вилоятининг қатор шаҳарларида ва Қашқадарё вилоятида ўтказдим. 1000 дан ортиқ оилаларда турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиб, у ердаги муҳитни секин-аста ўргандик. Бунда, албатта, мақсадга эришиш учун илмий асосларга таяниб иш кўрдик. Қисқаси, оилаларни уч тоифага бўлиб ўргандик. Булар: оддий ишчи-хизматчилар оилалари, ислом динини унутмаган оилалар, сўнггиси ислом динидан узоқлашган оилалар эди.

Бир нарсани алоҳида таъкидлай: Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатда ислом динига кенг йўл очилди. Мамлакат оддий фуқароларининг динимизга қизиқишини кўриб, бениҳоя қувонгандим. Масжидларда минглаб мусулмонларнинг тоат-ибодат қилишлари мени ҳайратда қолдирди. Шу билан бирга ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, собиқ шўролар сиёсати ўзининг ғаразли ва разил ниятларидан анчасини амалга оширишга улгурган экан. Минглаб масжидларнинг йўқ қилиниши, шайх ва уламоларнинг зиёратгоҳлари харобаларга айлантирилиши, мусулмонларнинг қатағон қилиниши, бегуноҳларни турмаларда қийнаш ва йўқ қилиш, "атеистик тарбия" деб аталмиш давлат сиёсати ўзбекларнинг маълум қисмига ўз таъсирини ўтказган экан.

Истиқлолгача айрим жойларда Қуръон ўқиш тугул оддий калима келтиришни ҳам билмайдиганлар кам эмасди. Яна бир кутилмаган ҳол: илгари қишлоқ аҳолиси исломий билим ва одатларни шаҳарликларга қараганда кўпроқ сақлай олганлар, деган фикр бор эди. Лекин тадқиқотлар бунинг аксини кўрсатди.

Қўлёзмалар йўқ қилингани, марказга ташиб кетилгани, цензуранинг динимиз билан боғлиқ бирор маълумотни ўтказмаслиги, имом Ал-Бухорий, Нақшбандий, Мотурудий, Аҳмад Яссавий, Ғиждувоний, Марғиноний ва бошқа улуғ боболаримизнинг йирик асарларини бутун дунё қойил қолиб ўқиб, баҳраманд бўлса-да, ўзбек халқи бундан маҳрумлиги бунинг бош сабабидир.

Оғир бўлса-да, яна бир мисол келтирай: илгари ўзбек оилаларида янги фарзанд дунёга келса, унга бағишлаб ақиқа қилиш ўрнига кўпроқ бизга ёт "Фарзандни ювишлар", ароқхўрликлар авж олганини нима билан изоҳласа бўлади? Мактаб ва олий билимгоҳларда ислом дини ва унинг тарихи умуман ўқитилмас эди. Ўтган асрнинг 30-80 йиллар болалари умуман ўз аждодлари ва тарихини билмай ўсишди... 80-йилларнинг ўрталарида бошланган янги кураш, ўзбеклар ва ислом динига қарши сўнгги юриш эди. Бунга фақат мустақилликка эришилгандан кейингина чек қўйилди.

— **Оила мустаҳкамлигида исломнинг қандай таъсири бор, деб ўйлайсиз?**

— Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, динга беписандлик билан қараган оилаларда нохушликлар, ажралишлар кўпроқ бўлиб, етим болалар сони бунинг ҳисобига ошиб бораверган. Коммунизм тарафдорлари диндан узоқлашган "замонавий" оилаларда ажралишлар ёки оила бузилишлари, динга оз бўлса-да эътиқод билан қараган оилаларга нисбатан кўпроқлиги кўзга ташланди. Отасиз етим ўсган ўғил-қиз, албатта, тарбия масаласида катта муаммоларга дуч келиб, аксарият ҳолларда ёмон йўлларга кириб кетишган. Совет мафкураси "майли ёмон йўлга кирса, кирсин-у, фақат ислом динидан йироқда юрсин", қабилида иш юритган.

— **Мени маъзур тутасизу, собиқ тузум қанчалик зулм ўтказмасин, қалбида эътиқодини сақлай олганлар ҳам кўп бўлган...**

— Ислом ўзбеклар дилидан муҳим ўрин эгаллагани аниқ. Лекин бу қанчалик қон тўкишлар, репрессиялар, Сталин турмаларида тутқинликлар эвазига бўлди. Лекин улар Ўзбекистонда ислом динини бутунлай йўқ қила олмадилар. Худога дилидан ишонган оилалар амалларини Оллоҳ қўллаб, уларни ўз паноҳида асради.

— **Ўзбек диёрида азалдан шайх ва уламолар яшаб, ижод қилишган. Уларнинг руҳи поклари ҳам бу заминда исломнинг йўқ бўлишига имкон бермаган, деб ўйлайман...**

— Ҳа, биз ўз ота-боболаримиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўтган асрдаги хатолардан сабоқ чиқариб, улар ҳаётларини ва бизга қолдирган тарихий мероcларини мукаммал ўрганиб, кундалик ҳаётимизда фойдаланишимиз зарур. Бобокалонимиз Мирзо Улуғбек дунё миқёсидаги катта кашфиётлар очган инсонгина бўлмай, Ислом дини билимдони ҳам эдилар. У киши Қуръони Каримнинг ҳамма сураларини ёддан билиб, дин масаласида ҳам етук инсон бўлган. Бундай сўзларни мен Мир Алишер Навоий, ал-Фарғоний ва бошқалар тўғрисида ҳам айтишим мумкин. Булар ҳақида илгарилари ҳеч нарса дейилмас эди. Уларнинг ибратли амалларини, ва юқоридаги хулосаларимни бир китоб қилиб чоп этиш ниятим бор.

— **Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Ислом динини тиклаш борасида қилинган қандай ишларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?**

— 1992 йили Ўзбекистонга биринчи марта борганимда, истиқлолнинг илк йиллари қилинган энг катта иш, бу — мўътабар Қуръони Каримнинг ўзбек тилида чоп этилиши бўлди. Шунингдек, диний мавзудаги журналлар ва китобларнинг чоп этилиши, эски масжидларнинг мусулмонларга қайтарилиши, тикланиши, минглаб одамларнинг ҳаж ва умра сафарларини амалга оширишига кенг йўл очилиши, мусулмон ҳайитларининг байрам сифатида тикланиши ва ҳоказолар.

Лекин бу масалада ҳали анча қилинадиган ишлар бор, деб ўйлайман. Улардан асосийлари — одамлар онгида сақланиб қолган эски совет мафкурасини чиқариб ташлаш ва улар онгли равишда динга ўз муносабатларини билдиришлари, покиза ҳолда қўллари доимо ишда бўлиб, дилларидан мусулмон одатларига риоя қилишлари учун кенгроқ шароит яратиш.

**—Суҳбатни Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёда тутган ўрни ва салоҳияти мавзусига бурсак...**

— Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг қалби ва марказидир. Кўп асрлардан бери бу диёрда дунё цивилизациясига катта ҳисса қўшган буюк инсонлар етишиб чиққан. Буни ғарбдагилар ҳам тан олишади. Ўтган асрда Шарқнинг илк университети ҳам айнан Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилиши ҳам бежиз эмас. Бундан ташқари, минтақа тасарруфидаги кўпчилик илмий-текшириш институтлари ҳам Ўзбекистоннинг Тошкент ва бошқа шаҳарларида ташкил этила бошланди.

Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон катта салоҳиятга эга мустақил республикадир. Бу, айниқса, АҚШ халқаро терроризмга қарши кураш олиб бораётган даврда яққол намоён бўлди. Терроризм нима эканини ўз кўзи билан кўрган юртингиз биринчилар қаторида халқаро терроризмга қарши курашга отланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда бу офатдан қутилиш йўлларини биргаликда ҳал этмоқда. Бу масалада, айниқса, АҚШ билан ҳамкорликнинг янги чўққиларга кўтарилишини алоҳида таъкидлаган бўлардим.

— **Яқинда америкалик машҳур сиёсатшунос олима Марта Брил Олкатнинг бир мақоласига кўзим тушди. Олкат: "Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг марказида жойлашган. Унинг иқтисодиёти қанчалик тез тикланса, минтақавий бозор муносабатлари шунчалик тез ривожланади ва бундан бутун Ўрта Осиё минтақаси манфаатдор бўлади", — деб таъкидлаган экан. Бу масала хусусида қандай фикрдасиз?**

— Бу гапда, албатта, жон бор. Ўзбекистон ҳозир ўзининг ички муаммоларини тезроқ ҳал этиши керак. Бунда АҚШнинг ҳам ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда Америкадан ўрганса арзийдиган томонлар кўп. Масалан, демократия тамойиллари, давлатчилик қурилиши, сайлов тизими, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни, парламентаризм масалалари, сўз эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари ва ҳоказо.

Ўйлайманки, бугунги кунда Ўзбекистон, унга ажратилаётган молиявий ёрдамлар ва маблағлардан унумли фойдаланиб, халқ фаровонлигини оширишга янада кўпроқ интилади. Бундан ташқари мамлакатда фуқаролик жамиятини қуриш, демократия тамойиллари, сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, қонун устиворлиги масалаларида мавжуд айрим камчиликларни бартараф этиб, дунёдаги ривожланган мамлакатлар орасидан тезроқ ўрин эгаллаши керак. Бунинг учун Ўзбекистонда етарли имкониятлар бор. Менинг умидим ва армоним ҳам шу. 130 йил орқага чекиндик, етар энди. Бундан бу ёғига фақат илдам қадамлар билан олға интилишимиз керак.

**Мавлон ШУКУРЗОДА**
**"Ҳуррият" учун махсус тайёрлади,**
**АҚШ Индиана штати.**

GLOBUS
international life

## Огоҳлик

# Террор ортидаги даҳшат

Ўзбекистон Миллий Университети Маданият саройида "Терроризм – тараққиёт душмани" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Университет ректори Т. Долимов талабаларга террор сўзининг мазмуни, бу иллат моҳияти ҳақида маълумот берар экан, бефарқ бўлмаслик, ҳушёрлик ва унинг изини йўқ қилишга барча сафарбар бўлиши лозимлигини айтди.

Тарихшунос олим, сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков эса талабаларга халқаро терроризм, унинг оқибатлари тўғрисида сўзлади. Жумладан, 11 сентябрда АҚШда рўй берган хунрезликлар, 16 феврал воқеалари ва яқинда Москвада амалга оширилган террористик ҳаракатлар ҳақида мулоҳазалар билдириб, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ IX сессиясида Президентимиз таъкидлаган 7 та бош устувор йўналишнинг иккинчиси, яъни барқарорликни таъминлашда ҳар бир онгли фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши кераклигини таъкидлади.

Шундан сўнг талабаларга феврал воқеалари ва Марказий Осиё ҳудудида рўй берган террорчилик ҳаракатлари акс эттирилган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

**Мақсудали ҚАМБАРОВ,**
**ЎзМУ журналистика факультети талабаси**



**Нью-Йорк, 11 сентябрь.**

## Мозий

> ***Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб беҳисоб қурбон берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.***
>
> **Ислом КАРИМОВ**

# ЧУСТЛИК АРБОБ ФОЖЕАСИ

Тарихда ўз маслаги, эл-юрт манфаати, миллат эрки йўлида жонини қурбон қилган қаҳрамонлар, амал, шахсий манфаат, нафс йўлида хиёнат йўлига кирганлар ҳам кам бўлмаган. Баъзан тарихий ҳужжатлар шунчалар бир-бирига қарши далолат берадики, инсон асли ким, қаҳрамонми ёки хиёнаткор сотқинми, тезда англаб ололмайсан.

Наманганлик Бўтабой Дадабоев фаолияти шу маънода ғоят мураккаб, зудлик билан ҳукм, хулоса чиқариш бир қадар мураккаб тақдирлардан. Келинг, хулосага шошилмай, унинг фаолиятига биргаликда назар ташлайлик.

1923 йилда Туркистон Республикаси Адлия Халқ комиссари, Республика Прокурори, кейинчалик Тожикистон Компартияси ташкилий бюроси аъзоси, Тожикистон Инқилобий қўмитасининг раис ўринбосари, СССР Марказий Ижроия қўмитаси аъзоси, 20-30 йилларда Тожикистон ва Туркманистонда катта раҳбарлик лавозимларида ишлаган Б. Дадабоев Ҳарбий коллегиянинг 1938 йил 5 октябрда бўлиб ўтган Тошкентдаги сайёр ёпиқ суд мажлиси томонидан 4 октябрда отиб ташланди. Ҳа, эътибор берган бўлсангиз, ҳукмдан бир кун аввал у шошилинч равишда аёвсиз отиб ташланди.

Хўш, Б. Дадабоев ким? Нега у совет тузумига хиёнат қилган киши сифатида қатл этилди? Унинг "айби" нимада? Тарихий ҳужжатлар қуйидагилар ҳақида сўзлайди:

Бўтабой 1887 йилда Наманганнинг Чуст шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Аввало мусулмон мактабида, кейин тақдир тақозоси билан рус-тузем мактабида таҳсил кўрди. Отаси вафотидан сўнг 13 ёшли Бўтабой оиладаги 4 фарзанднинг каттаси сифатида оилани тебратишга тутинди. Ниёзхўжа исмли пахта комиссионерига хизматкор, тери, пахта тозалаш заводларида ишчи, наманганлик машҳур савдогар Альперов магазинида қоровул, кейинроқ Тошкентга иш қидириб, шаҳар тиббий амбулаториясида қоровул-хат ташувчи бўлиб ишлади.

15 сўмлик маошини Чустга юбориб, оиласига кўмак бериб турган Бўтабой тақдирнинг яна бир зарбасига учради — онаси бевақт вафот этди. Фельдшер оиласида русча савод чиқаришга ҳам улгурган Бўтабой ноилож қаровсиз қолган укалари, кўзи ожиз бувиси қошига Чустга қайтиб келди.

1908 йилда Чустда иши юришмаган Бўтабой Чодакка келиб, волост бошқарувчиси девонхонасига ишга кирди. Чор маъмурлари қарийб икки йиллик фаолиятида уни уч бор жазоладилар. Уезд бошлиғи фармойишларини бажармагани, бошлиқлар олдида ўзини "корректно" ушлаб турмагани учун илк бор у 5 сўм жарима тўлади. Сўнгра аввал 7 кун, кейин 14 кун қамоқда ётди. Охири ишсиз қолди.

1914 йил январидан то феврал қўзғолонигача у Чуст шаҳар хўжалик бошқармасига журналист, сўнгра даҳа приставы Б. Яхьин Марғилон уезди шаҳардаҳаси пристави қилиб ўтказилгач, унинг таклифи билан Бўтабой Скобелев (Фарғона) шаҳри приставида журналист ва хатлар билан ишлаш вазифасини бажарди.

Фарғонада маҳаллий аҳоли мардикор олишга қарши қўзғолон кўтарган кезлари (1916 йил) Бўтабой полиция назарига тушди. Вилоят амалдорларидан бири ўтиб кетаётганида таъзим бажо келтирмаган мағрур Бўтабой унинг саволига кескин жавоб қайтаргани учун тергов қилинди.

Унинг миллий камситишга исёни қуйидаги лавҳада ҳам кўринади: Ўша йили кузда у Фарғона шаҳридаги ҳарбийлар йиғини манзилгоҳида қўйилаётган спектаклга киришни истаган Б. Дадабоев унга сартлиги учун билет сотишмаганидан норози бўлади. У шу тахлит "ноқонуний ҳаракат қилганликда" айбланиб, тергов беради. Феврал қўзғолони боисгина у қамоқдан қутулиб қолади.

Большевиклар ҳокимиятни эгаллагач, Бўтабойдек саводли, серғайрат, ташкилотчи йигитни тезда пайқаб, унинг ғайратидан фойдаланишга тутиндилар. У Фарғона область Ер қўмитаси аъзолигига, Ер ҳайъати бошқаруви аъзолигига сайланди.

Большевиклар Туркистоннинг миллий озодлиги ва юксалишини мутлақо истамасдилар. Шу боис Туркистон Республикаси парчаланиб, майда республика ва мухториятларга бўлиб юборилди. "Сувнинг қаёққа оқаётганини" сезган миллатпарварлар орзу қилинган истиқлол йўли большевиклар йўли билан бир эмаслигини пайқаб қолдилар. Шу боис улар турли гуруҳлар тузиб, совет ҳокимияти кучайишига тўсқинлик қилиб, миллий озодлик учун курашганларга большевиклар ичида туриб пинҳона ёрдам беришга уриндилар.

Ана шундай ташкилотлардан бири "Иттиҳод ва тараққий" ташкилоти эди. Тергов ҳужжатларида қайд этилишича, бу Турор Рисқулов, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саъдулла Турсунхўжаев, Низомиддин Хўжаев, Юсуф Алиев, Али Расуловлар раҳбарлик қилишган. Унга Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети секретари А. Икромов, Халқ комиссарлар советининг раиси Файзулла Хўжаев, ЎзССР Ер ва сув ишлари халқ комиссари Рустам Исломов ва бошқа йирик раҳбарлар хайрихоҳлик билан ёрдам кўрсатишган. Бу ташкилотга Бўтабойни Туркистон Марказий Ижроия Комитети раиси бўлган Иномжон Хидиралиев жалб этган. У, шунингдек, Б. Дадабоевнинг мансаб пиллапояларидан юксалишига ҳам кўмаклашган.

Ташкилотнинг мақсади Туркистон ҳудудида миллий давлат барпо этиш бўлган. Шу боис Б. Дадабоев "босмачилик" деб аталаётган миллий озодлик ҳаракатини ҳар қандай йўллар билан пинҳона қувватлашга, ҳатто уларга қурол-яроғ етказишга кўмаклашгани ҳужжатларда қайд этилади.

"Иттиҳод ва тараққий" сафдошлари билан биргаликда миллий бирликка эришиш, маҳаллийчилик, тарқоқлик, парокандалик, гуруҳбозлик, табақабозликка қарши курашганлар. Улар совет ҳукумати хоҳишига қарши равишда бой хўжаликларнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, қишлоқнинг синфий табақалашувига қаршилик кўрсатишга уринганлар. 1923-1924 йилларда давлатдан уруғлик ва ишчи ҳайвон учун кредит олингач, уни асосан деҳқончиликка қодир бўлган бойларга ва ўзига тўқ кишиларга тақсимлаб берган.

Б. Дадабоев Тожикистонда ишлаган кезлари у ерда "Иттиҳоди Шарқ" аксилинқилобий ташкилот билан ҳамкорлик қилган. Бу ташкилот Тожикистон ССР МИҚ собиқ раҳбари Нусратулла Махсум, Тожикистон Халқ Комиссарлар советининг собиқ раиси Ҳожибоев, Таъминот Халқ комиссари Муҳитдинов, Тожикистоннинг Москвадаги мухтор вакили Абдужабборов ва бошқаларни бирлаштирганди.

И. Хидиралиев Қизил Армия босмачилик ҳаракатини тугатишга киришган кезлари уларга "ихтиёрий таслим қилишга эришиш таклифи"ни киритиб, қабул қилинишига эришгач, "Иттиҳод"чилар обрўйини шу баҳона юксалтириш пайида бўлади. "Иттиҳод"чиларнинг босмачиларга қарши курашини ошириб кўрсатиш боис улардан бир гуруҳининг, жумладан, Б. Дадабоевнинг ҳам "Қизил Байроқ" ордени билан тақдирланишига ҳисса қўшади. Босмачилик тор-мор этилгач, ташкилот ўз фаолиятини миллатга содиқ кадрларни кўпайтириш, ва партия ва совет аппаратида уларни жойлаштириш орқали миллий анъаналар, қадриятларнинг оёқости бўлишининг олдини олишга, истиқлол имкониятини кутишга сафарбар этди.



Миллий озодлик курашчилари қанчалик эҳтиёткор бўлмасинлар, 20-йиллар охири ва 30-йиллар бошларида НКВД жосуслари махфий ташкилотлар изига тушишга муваффақ бўлди. "Иттиҳод ва тараққий" ва бошқа махфий ташкилотлар раҳбар ва аъзолари бирма-бир қамоққа олина бошлади.

1934 йилдан Б. Дадабоев ҳам шубҳа остига олинди. Кейинги йили партия сафидан ўчирилган Бўтабой то қамоққа олингунига қадар сарсон-саргардонликни бошдан кечирди. Сафдошлари қўлга олинаётганини, миллий озодлик ҳаракати маҳв этилаётганини кўриш унинг учун беҳад азобли эди.

1937 йилнинг 31 августида у Ашхобод шаҳрида қўлга олинди. 15 кун давомида қийноқ усталари унинг иродасини синдириш учун турли азобларни унинг бошига солдилар.

Унинг делосини кўздан кечираётган киши тергов ҳужжатлари ва НКВД Халқ комиссари, 2-ранг хавфсизлик комиссари Л. Бельскийга ёзилган хатни ўқиб, ундаги иқрорларга кўзи тушаркан, дастлаб Б. Дадабоев ўз сафдошлари номини ошкор қилганига эътибор қаратади. Наҳотки миллий озодлик учун шунча курашган, унинг раҳбарларидан бири бўлган киши бирданига хиёнат кўчасига кирган бўлса? деган хаёл келади.

Бироқ бу ўринда совет жазо машинасининг ростга ўхшаш ёлғонларни тўқиш маҳоратини эсдан чиқармаслик жоиз. Зеро, жазо ташкилотлари ваҳшиёна қилмишларини, қотилликларини ниқоблаш, Крилов масалида айтилганидек, "Қонунга ҳам бироз тўғирламоқ" мақсадида тўқилган уйдирмаларга чалажон ва қарийб беҳуш маҳбусга имзо чектириб олганлари ҳам эҳтимолга яқиндир. Улар озодлик курашчиларининг обрўсини тўкиш учун ҳам шундай разилликларга борганига тарих кўп марта гувоҳ бўлган.

Шу боис совет жазо органлари чиғириғидан ўтказилиб, қатағон қилинган инсонлар тақдирига баҳо беришда асло шошқалоқлик қилмаслик, эҳтиёткорлик ва синчковлик билан иш тутиш мақсадга мувофиқдир.

Озодлик ва истиқлолни орзу этган, бу борада мардона курашганларга кўмак берган, уларни қўллаб-қувватлаган чустлик арбоб Б. Дадабоев тақдири тарихчиларимиз томонидан пухта ўрганилади, унинг номини поклаш йўлидаги изланишлар халқимизга ўз қаҳрамонларидан бирини қайтариб беришга хизмат қилади, деган умиддамиз. Зеро, улар ўз умрини тиккан иш биз учун энг муқаддас бўлган истиқлолимиз тарихига чамбарчасдир.

**Рустамбек ШАМСУДДИНОВ,**
**"Мерос" халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор**

